



O'ZBEKISTON OVOZI

• 2012-yil, 28-aprel. Shanba • 52 (31.484) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси билан ҳамкорликда «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминотининг ҳуқуқий асослари: муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари» мавзюда семинар ўтказди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Вазирлар Маҳкамаси, Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофазаси қилиш, Соғлиқни сақлаш, Молия вазирликлари, Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг масъул ходимлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

устидан назоратни кучайтириш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси Фахриддин Ражабовнинг таъкидлашича, «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуни бажариш доирасида пенсия таъминоти ва унинг ижтимоий йўналтирилганлигини таъминлаш мақсадида аҳолининг ҳимояга муҳтож қатламларини ижтимоий муҳофазаси қилиш ҳамда қўллаб-қувватлаш бўйича қатор меърийд-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Президентимиз Ислам Каримов томонидан истиқлолнинг дастлабки куллари-дан демократик ҳуқуқий давлат қуришининг беш муҳим тамойилга асосланган «Ўзбек модели» ишлаб чиқилди. Айниқса, аҳолининг ҳимояга муҳтож қатламлари, биринчи навбатда, пенсия-нерлар ва жисмоний имкония-ти чекланган одамлар ҳаётининг фаровонлигини кафолатловчи кучли ижтимо-ий сиёсат юритиш ушбу беш тамойилнинг биридир.

1996 йили пенсия тизимини ташкил этиш, давлат ижтимоий суфуртаси бўйича мажбурий бадаллар, ажратмалар ва тўловларнинг тўлиқ йиғилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 30 декабрда қабул қилинган «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида мамлакатимиз пенсия таъминоти тизимининг ташкилий тузилмасини янада такомиллаштириш, пенсиялар ва ижтимоий нафақаларни бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасидан ўз вақтида молиялаштириш ҳамда уларни тўлиқ ҳажмида тўлаш, шунингдек, республика фуқароларининг пенсия таъминотига йўналтирилган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши

Хусусан, 2011 йил 1 январдан пенсия қонунчилигига пенсиялар миқдорининг Пенсия жамғармаси маблағларини шакллантиришда фуқаролар ҳиссасига боғлиқлигини кучайтиришга қаратилган қатор ўзгаришлар киритилди. Айрим тоифадаги шахсларнинг пенсия таъминоти ҳуқуқи, иш стажини ҳисоблаб чиқишда меҳнат фаолиятининг баъзи даврларини ҳисобга олиш оптималлаштирилди.

Ижтимоий адолатни кучайтириш мақсадида ёшга доир пенсия тайинлаш учун меҳнат стажининг энг кам чегараси белгиланди. «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунга киритилган ва 2012 йилнинг 6 январидан кучга кирган ўзгаришлар пенсия таъминоти ва унинг ижтимоий йўналтирилганлиги принципини изчил амалга оширишда ўз ифодасини топомда, бу ўзгаришлар натижасида ўтган даврлардаги иш ҳақини ҳозирги иш ҳақи даражасидан келиб чиқиб индексация қилиш механизми такомиллаштирилди.

Семинар қатнашчилари фуқароларнинг пенсия таъминоти тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш борасидаги ишлар мазмун-моҳиятини аҳолининг кенг қатламларига етказиш зарурлигини таъкидлади.

Семинарда кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Меҳрибон МАМЕТОВА,
ЎЗА мухбири.



Анжуман



Муродбек ЭИЕ олган суратлар.

Ўзбекистон мустақил оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди «Мамлакатда ёшларни касб-хунарга йўналтириш борасида амалга оширилаётган ислохотларни жамоатчиликка етказишда ОАВнинг ўрни ва роли» мавзюда конференция ташкил этди.

БИТИРУВЧИЛАРНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ

муҳим аҳамиятга эга

Унда Олий Мажлис Сена-ти аъзолари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Республика Ташхис маркази, «Баркамол авлод» болалар ижодиёт маркази масъул ходимлари ҳамда ОАВ вакиллари ишти-рок этди.

Конференцияда ёшларни касб-хунарга йўналтириш, улар қизиқиши ва қобилия-тига мос мутахассисликни

эгаллаши учун кўмаклашиш, бу борада амалга ошири-лаётган ислохотлар мазмун-моҳияти билан жамоатчи-ликни кенг таништириш дол-зарб аҳамиятга эга экани таъкидланди. Бунда журна-листларнинг ижтимоий фа-олигини ошириш, уларни керакли маълумотлар билан таъминлаш, ёшларни турли иллатлар таъриридан ҳимоя-лашда ОАВ масъулиятини кучайтириш борасида фикр-мулоҳаза билдирилди.

Нормурод ЧИННИКУЛОВ,
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги таълим стандартлари ва ўқув адабиётларини таҳлил қилиш бошқармаси бошлиги ўринбосари, филология фанлари номзодини, доцент:

— Бугунги кунда республи-камизда 1396 та касб-хуна-р коллежи ва 141 та академик лицей фаолият кўрсатмоқ-да. Уларда 1 миллион 600 мингдан ортққ ёшлар таъ-

сил олади. Касб-хуна-р кол-лежларига 214 та мутахас-сислик бўйича ўқувчилар қабул қилинади. Жорий йил-да умумтаълим мактабларидан 560 мингдан ортққ ўқувчи ўрта махсус таълим-га жалб қилиниши режа-лаштирилган.

Меҳнат бозоридаги ҳар қандай янгиллик, ҳар қандай техника ва технология таъ-лим тизимида ўз аксини то-пиши керак. Чунки битирув-чи бу билан таниш бўлма-

са, иш фаолиятида қийин-чиликка дуч келади. Бош-қарамиз қошидаги махсус кенгаш бу масалага ало-ҳида эътибор қаратмоқда. Битирувчилар бандлигини таъминлашда ҳудудларда-ги шароит ва талабдан кели-б чиққан ҳолда тегишли чоралар белгиланмоқда. Шунингдек, ҳудудлар бў-йича иш ўринлари монито-ринги олиб борилапти.

(Давоми 2-бетда.)

Хушxabар

ОҒИР АТЛЕТИКАЧИЛАР ЮТУҒИ

Шу кунларда Пхёнтак (Жану-бий Корея)да оғир атлетика бўйича Лондон олимпиадасига йўлланма берувчи Осиё че-мпionatoи ўтказилмоқда.

Ёдингизда бўлса, ўтган йили 5-13 ноябрь кунлари Париж (Франция)да ўтка-зилган жаҳон чемпионатида эркалар ўртасида оғир атлетикачиларимиз умум-жамоа ҳисобида саккизинчи ўринни эгаллаб, ХХХ ёзги Олимпиа йўинлари-га бешта йўлланмани кўлга киритганди. Осиё чемпиoнати низомида кўра, умум-жамоа ҳисобида 1-5 ўринлари банд этган терма жамоаларга Лондон олим-пиадасига биттадан йўлланма тақдим этилади.

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги матбуот хизмати билди-ришича, ҳамюртларимиз қитъа че-мпionatoи баҳсларини муваффақиятли бошлашган. Жумладан, эркалар ўрта-сидаги мусобақада Улуғбек Алимов (77 кг) ўз вазн тоифасида жами 335 кг (даст кўтаришда 145 кг, силтаб кўтаришда 190 кг) натижа қайд этиб, шоҳсупанинг энг юқори погонасидан жой олди.

Чемпионатнинг авеллар ўртасидаги баҳслари ҳам қизгин давом этмоқда. Унда ҳамюртимииз Марина Сисоева (48 кг) силтаб кўтаришда 103 кг натижа билан бронза медалига сазовор бўлди. Моҳир спортчимииз иккикурашда (178 кг) терма жамоамиз жамғармасига ку-муш медални тақдим этди.

Яна бир оғир атлетикачимииз Маҳ-лиё Тоғаева ҳам Осиё чемпиoнати сов-риндорлари сафидан жой олди. У даст кўтаришда (76 кг) фахрли иккинчи ўринни эгаллаган бўлса, иккикураш баҳсларида (177 кг) бронза медал билан тақдирланди.

Мусобақалар давом этмоқда.
(Ўз мухбиримиз).



«ҲАМШИРА — 2012»

кўрик-танловининг Шайхонтохур туман босқичи бўлиб ўтди

Унда ҳудуддаги барча тиббиёт му-ассасаларидан жами 18 нафар ҳам-шира иштирок этди. Танловда бири-нчи ўринни шаҳар Перинатал маркази ҳамшираси Нигина Фазлиддинова кў-

га киритди. Шунингдек, совриндор-лар сафидан 42- ва 44-оилавий поли-клиника ҳамширалари Зебинисо Эшон-хонова ҳамда Дилдора Ҳўжаева ҳам ўрин олди.

Партияларо баҳс

БАНДЛИК

бу нафақат ЎзХДП, балки бошқа сиёсий партияларга ҳам дахлдор масаладир

2-бет

ЎзХДП: «Истиқбол» ёшлар қаноти

«ВАТАНИМ РАВНАҚИ ЙЎЛИДА НИМА ҚИЛА ОЛАМАН?»

«Ёш сиёсатчи» кўрик-танловининг навбатдаги босқичи бу йил шу шиор остида ўтади

ЎзХДП Сайловолди дастурида ёшлар фаоллигини ошириш, ижтимоий-сиёсий ислохотлар жараёнида уларнинг иштирокини кучайтириш ва фуқаролик позициясини шакллантириш алоҳида ўрин тутган. Партиянинг «Истиқбол» ёшлар қаноти шу мақсадда ташкил қилинган. Қанот сафига бугунги кунда 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган 110 мингдан ортққ ёшлар бирлашган. Бу — катта куч, албатта. Қанот аъзолари ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш бўйича турли мавзуларда ташкил этилаётган минтақавий анжуман, ўқув-семинар ва давра суҳбатларида фаол қатнашмоқда.

Айниқса, 2008 йилдан буюн ўтказиб келинаётган «Ёш сиёсатчи» кўрик танло-ви партияимиз ўз олдига қўй-ган мақсад ва вазифалари-ни ёшлар орасида кенг тарғоиб-сиёсий фаоллиги-ни оширишда муҳим аҳа-мият касб этмоқда. Бугун-ги кунга қадар кўрик-тан-ловда 10 мингдан ортққ ёш иштирок этди. Муҳими, ун-да қатнашиш истагини бил-дирган аъзоларимиз сон-и йилдан-йилга ошиб бора-япти. Бу ҳам ёшларимизда мамлакат тақдирига дахл-дорлик ҳисси юксалиб бо-раётганидан далолат.

— Мен кўрик-танловнинг 2010 йилги республика бос-қишида голибликни кўлга ки-ритганиман, — дейди **Аваз-бек Омонов**. — Бу ҳаётим-да унутилмас воқеа бўлди. Чунки айнан шу тадбир ор-қали сиёсий ислохотларга қизиқишим кучайди. 2011 йил Фонд Форум ўтказган «Келажақ овози» танлови-

да биринчи ўринни эгалла-ди.

Бугунги кунда ЎзХДП Сурхондарё вилоят кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчиси бўлиб ишлашган. Келажакда депутат бўлиб, мамлақати-миз ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этмоқчиман. Бун-нинг учун сиёсий ва ҳуқуқий били-мни ошириб бориш керак бў-лади.

Кўрик-танлов жорий йил-да ҳам 3 босқичда ўткази-лади. Айни пайтда туман ва шаҳар босқичлари бўлиб ўтаёпти. Унда ишти-рокчилар «Мамлақати-мизда демократик исло-хотларни янада чуқур-

лаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожланти-риш концепцияси»ни ҳаёт-га тағбиқ этиш, сиёсий пар-тиялар, сайловга оид қонун ҳужжатлари ҳамда ЎзХДП дастури, «Истиқбол» ёшлар қаноти фаолиятига доир билимларини намоеён эти-шади.

Бу йилги танлов янги таҳ-рирдаги Низомда белги-ланган тартибда олиб бо-рилаяпти. Яъни, ижтимоий-сиёсий жиҳатга кўпроқ аҳамият қаратилиб, лойиҳа тақдими, нотиклик санъ-ати, сиёсий дебат каби янги шартлар киритилди. Бу нафақат ёшларни ўқи-б-ўрганиш ва сиёсий жара-ёнлардан хабардорлигини ошириш, балки уларнинг эркин фикр юритиши, но-тиклик маҳоратини ўстири-шига ҳам хизмат қилади.

Шоҳруҳмирзо АБДУРАҲМОНОВ,
ЎзХДП Марказий Кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчиси.

ЎзХДП маҳаллий Кенгашларида

ПАРТИЯНИНГ КУЧ ВА САЛОҲИЯТИ

кўп жиҳатдан депутатлик гуруҳлари ташаббусларига боғлиқ

Бугун мамлакатимизда жадал олиб борилаётган ислохотлар жараёнига муайян таъсир кўрсата олган сиёсий партия жамиятга ўз ўрнига эга бўлади, электорати манфаатини самарали ҳимоя қилади. Бу борада ҳар бир сиёсий куч депутатлик гуруҳларига таянади, уларнинг ваколати ва салоҳияти орқали дастурий мақсадларини амалга оширади. Демак, депутат қанча фаол ва ташаббускор бўлса, партия обрўйи шунча ошади.

Бухоро вилоят Кенгашига 18 нафар, туман ва шаҳар Кенгашлариغا 107 нафар депутат партиямиздан сайланган. Улар партия Сайловолди дастури ҳамда 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастури ижроси бўйича жойлардаги ижтимоий-иқтисодий аҳолини чуқур ўрганиб, муаммолар ечими бўйича қатор тақлиф ва ташаббуслар билан чиқмоқда. — Электорат манфаатини ҳимоя қилишда депутатлар кучи ва ваколатидан мақсадли фойдаланиш мўҳим аҳамиятга эга. — дейди вилоят партия кенгаши раиси, вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Саида Жўраева. — Партиямиз Ҳаракат дастурида зиммамизга юклаган вазифалар худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётидан келиб чиқиб белгиланган. Шу боис, унинг ижросини қатъий ва самарали таъминлашга жиддий эътибор бераймиз. Ўтган йили бу борада қатор ишлар қилинди. Хусусан, дастурда Бухоро, Пешку

ва Жондор туманларида санаот ишлаб чиқаришни кенгайтириш орқали янги иш ўринлари очиб жараёнига ҳисса қўшиш белгиланган эди. Депутатлик гуруҳлари янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ижроси бўйича туманларда олиб борилаётган ишларни таҳлилий ўрганди. Бу борада жойларда қатор ишлар қилинган. Аммо ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар ҳам талайгина. Жумладан, Бухоро туманида «Ашур Амрулло», «Ҳалимабегим омади» каби айрим санаот корхоналари турли сабабларга кўра фаолиятини тўхтатган. Пешку туманида Бандлик дастурига кўра, «Пешку крайзёр фазл» хусусий корхонаси негизда нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобига 17 та янги иш ўрни очилиши кўзда тутилган эди. Лекин корхонада иш ҳажми қисқарган. Шу сабабли 8 та иш ўрни очилган, холос. «Пешку ширин нон» МЧЖ не-

гиздаги нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳеҳида ҳам шундай вазият юзага келган. Бу борадаги муаммоларни бартараф этиш масаласини партиямиз вакиллари туман Кенгашидаги тегишли доимий комиссия йиғилишларида муҳокама қилишди. Ҳозир депутатлик гуруҳлари мавжуд камчиликларни бартараф этишга қаратилган тақлифларини сессиялар муҳокамасига олиб чиқишга тайёрлашяпти.

Шунингдек, депутатлик гуруҳлари электорат манфаати билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳам ўрганиб, уларни доимий комиссия ва сессиялар муҳокамасига олиб чиқишда ташаббус кўрсатамоқда. Масалан, 2011 йили вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатлари доимий комиссия йиғилишларида 68 та масалани тайёрлади. Муаммоларни ечиш бўйича 134 та депутатлик сўрови юборилди.

Бу борада туман ва шаҳар партия кенгашларида ҳам қатор ишлар қилинди. Жумладан, Бухоро шаҳри, Вобкент ва Қорақўл туман партия кенгашлари сессия кун тартибига янги иш ўринлари очиб, таълим тизими, болалар дам олиш масканларини мавсумга тайёрлаш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш билан боғлиқ масалаларни олиб чиқишди. Тан олиш керак, айрим туман партия кенгашларида ҳамон хотиржамлик кайфияти ҳукм сурмоқда. Улар сиёсий партияларнинг жамиятдаги нуфузи ва мавқеи тобора ортиб бораётган ҳозирги даврда лоқайдлик ва бепарволик билан мурося қилиб бўлмаслигини англаб етмаяпти.

Ўтган йили Олот, Жондор, Ромитан, Қоравулбозор, Ўқибозон ва Шофиркон туман партия кенгашларида сайланган депутатлар сессиялар муҳокамасига биронта масала киритмаганини қандай изоҳлаш мумкин? Ваҳоланки, мазкур туманларда партиямизнинг 50 нафар депутати фаолият кўрсатади. Аксарият туманларда худудлардаги камчиликларни доимий комиссия йиғилишларида муҳокама қилиш билан чекланган.

Яқинда мазкур туманлар партия Кенгашлари етакчилари ва депутатлик гуруҳлари раҳбарлари билан камчиликларни тўзатиш чора-тадбирлари тўғрисида фикрлашди олдик. Масалани муҳокама этиш жараёнида шу нарса аниқландики, қаерда назорат, талабчанлик бўлмаса, ўша ерда иш сустиллаб кетади. Демак, биз партиямизнинг кучи ва салоҳиятини оширишни истасак, партия ташкилоти, депутатлик гуруҳларига талабни кучайтириб боришимиз керак бўлади.

Лазиза ШЕРОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

БИТИРУВЧИЛАРНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ

муҳим аҳамиятга эга

Ақтам САЙФУЛЛАЕВ, Марказий банк кичик бизнесни қўллаб-қувватлашни мувофиқлаштириш департаменти директори: — Ўтган йили кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига банклар тўрт триллиондан ортиқ маблаг йўналтирди. Кредит олиши ва уни расмийлаштириш бўйича қатор имтиёзлар яратилди. Хусусан, яқка тартибда бўладими, юридик шахс мақомига эга тадбиркор бўладими, давлат рўйхатидан ўтгач, ҳақ ундирмасдан унга банкда ҳисоб-рақам очилади.

Битирувчиларнинг тадбиркорлик лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор чора-тадбирлар белгиланган. Бу мақсад учун тижорат банклари 28, 3 миллиард сўм ажратади. Ёшларни кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг жалб қилиш, шу орқали уларнинг бандлигини таъминлашда бунинг аҳамияти катта. Ўшбу имтиёз ва имкониётлар оммавий ахборот воситаларида янада кенгроқ ёритилса, ёшларни касб-хунарга йўналтириш самарасини оширади.

Абдуҳалил РАҲМОНОВ, Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги таълим муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари: — Ҳар бир коллеж битирувчисининг иш жойини олдиндан белгилаш, талабаларнинг амалиётини бўлажак иш жойида ўташини ташкил этиш борасида самарали ишлар қилинмоқда. Айни пайтда, касб-хунар коллежлари иш берувчи корхона ва ташкилотларга бириктирилиб, битирувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётини ўташи ва келажакда мазкур корхонада ишга жойлашиши бўйича шартнома тузиш йўлга қўйилди.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Шу асосда 2011 йил 390 мингдан ортиқ битирувчи иш билан таъминланди.

Ёшлар муайян касбни мукамал эгаллаши учун, аввало, педагогларининг ўзи замонавий технологиялардан фойдаланиши, корхона-ташкилотлар муҳитини пухта билиши керак. Шунда таъминлаш самарадорлиги ортади. Вазирлик бу масалада муайян ишлар қилмоқда. Хусусан, ўтган йили 4 мингга яқин фан ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш усталари турли корхона-ташкилотларда малака оширди.

Абдусамат РАҲИМОВ, «Маърифат» — «Учитель Узбекистана» газеталари Бош муҳаррири: — Ёшларни касб-хунарга йўналтириш ва бандлигини таъминлаш борасидаги ислохотларнинг самарадорлигини оширишга таъсир кўрсатувчи бир қанча омиллар бор. Шулардан бири — битирувчилар билан фаол иш олиб бораётган корхона ва ташкилотлар иши ва тахрибасини ОАВда кенг ёритиш лозим.

Шунингдек, коллежни битириб, оиласи фаровонлигига ҳисса қўшаётган, замонавий технологияларни мукамал эгаллаган, корхона ва ташкилотларда намунали ишлаётган ёшлар ҳақида тахлилий чиқишларни кўпайтиришимиз керак. Чунки ёшлар бундан ўрнак олади, касб-хунар эгаллашга қизиқиши ортади...

Конференцияда, шунингдек, умумтаълим муассасалари ўқувчиларини касб-хунарга йўналтириш, ёшларнинг қобилияти рўёбга чиқиши учун етарли шарт-шароит яратиб бериш, бу борадаги устувор вазифалар ҳақида фикр-мулоҳаза билдирилди. Ёшлар бандлигини таъминлаш масаласига ҳар бир мутасадди вазирлик ва ташкилотлар жиддий ёндашиши зарурлиги таъкидланди.

Гулруҳ ОДАШБОЕВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП: лойиҳалар амалда

Яқинда лойиҳа доирасида Асака туманининг «Асака», «Дўстлик» ва Амир Темур номи маҳаллаларида истиқомат қилаётган электорат вакиллари иштирокида давра суҳбати ташкил этилди. Унда туман хотин-қизлар қўмитаси, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази, молия бўлими, тиббиёт бирлашмаси, солиқ инспекцияси, бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, шунингдек, фаолиятининг асосий йўналиши ижтимоий ҳимояга оид бўлган бошқа давлат ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари, вилоят ва туман Кенгаши депутатлари иштирок этди.

ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ

ЎзХДП Марказий Кенгаши ташаббуси билан амалга оширилаётган «Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази» лойиҳасининг биринчи босқичи якунланмоқда

Муҳаммадjon ЙҮЛДОШЕВ, ЎзХДП Андижон вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати: — Аҳолининг манзилли ижтимоий ҳимоясини таъминлашда маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорлик мўҳим аҳамиятга эга. Мустақкам оила йили муносабати билан партиямиз Марказий Кенгаши бу лойиҳани тизимли амалга оширишга киришди. Бундан қўзғалган асосий мақсад — ижтимоий ҳимоя билан боғлиқ қонулар талаблари, меъёрини-ҳуқуқий ҳужжатларга жойларда қанчалик амал қилинётганини ўрганиш, электорат вакиллари йўналтирилган саволларга малакали жавоб бериш, юзага келаётган муаммоларни бартараф этишда маҳалланинг ўзини мустақкамлашдан иборат. Тегишли тақлифларни сизлар билан бирга ишлаб чиқиб, маҳаллий Кенгашлардаги партиямиз депутатлик гуруҳлари орқали сессияларда муҳокама этсам, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциямиз орқали тегишли қонунларни янада тақлимлаштиришга эришсам, унинг ижросини изчил назорат қилсам, мақсадимиз амалга ошган бўлади.

Мўйдинжон ДАДАЖОНОВ, ЎзХДП Асака туман кенгаши раиси, туман Кенгаши депутати: — Аҳолининг манзилли ижтимоий ҳимоясига бугун янги нукта назар билан ёндашилмоқда. Чунки давлат томонидан маҳалла фуқаролар йиғинлари орқали ажратилаётган моддий ёрдам, ижтимоий нафақалар, аввало, тўғри тақсимланмишига эришиш лозим. Шу билан бирга, масалани тўла ҳал этиш учун партиямиз меҳнатга лаёқатли кўрлар, аввало, ишли бўлиши, ижтимоий муҳофазасини ўзи таъ-

минлаб, ҳеч кимга муҳтож бўлмай яшаши керак, деган гояни илгари сурмоқда. Давлатимиз янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлашга доимо катта эътибор қаратиб келади. Бизнинг вазифамиз — маҳалла фуқаролар йиғинлари билан бирга, бу эзгу сиёсат изчил амалга ошишига кўмаклашиш, бу жараёнда учраётган муаммолар ечими бўйича аниқ тақлифлар билан чиқишни иборатдир. Бундан ташқари, айрим кишиларда учраётган боқимандалик кайфиятига қарши тарғибот-ташвиқот ишларини изчил олиб бориш, одамларда ўз меҳнати ортдан бекам кўст ҳаёт кечирishiга интилиш ҳиссини янада кучайтириш зарур.

Маҳбуба ҚОДИРОВА, «Асака» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, ЎзХДП аъзоси: — Манзилли ижтимоий ҳимоя адолатли бўлишида фуқаролар йиғинлари ҳузурида тузилган комиссияларнинг одилона иш олиб бориши гоятда мўҳим. Чунки ижтимоий нафақа, моддий ёрдам сўраб мурожаат қилган кишиларнинг аҳоли, имкониятлари, муҳтожлик даражасини ҳолис баҳолаш уларнинг зиммасида. Айрим ҳолларда ижтимоий кўмакка эҳтиёжи бўлмаган, ўзига тўқ кишилар ҳам давлат бюджетдан ажратилаётган маблагдан фойдаланишга ҳақиман, деб даъво қилишди. Айримлар эса моддий ёрдамни доимий деб тушунишди. Шу сабабли фуқароларнинг ҳуқуқий билими ва маданиятини ошириш устидан кўпроқ ишлашимиз керак. Чунки моддий ёрдам фақат шунга эҳтиёжман, муҳтож кишиларга ва маълум муддатга ажратилади, холос. Маҳалламизда 2006 йилда 105 та кам таъминланган оила бор эди.

Бугунга келиб, улар сони 28 тага тушди. Бунга биз, аввало, уларни иш билан таъминлаш, чорвачилик, паррандачилик, хунармандчилик, касаначиликни ривожлантириш, оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиш, бир марталик иш билан таъминлашга шароит яратиш йўли билан эришдик. Кишиларни иш билан таъминлаш ижтимоий ҳимоянинг энг мақбул йўлидир. Ҳаёт шунинг курсатмоқда...

Шунингдек, давра суҳбатида Асака туман ҳокими ўринбосари — туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Раҳима Низомиддинова, «Ўзбекистон» кишлоқ фуқаролар йиғини масъул котиби Муқаддасхон Иброҳимова, Амир Темур номи маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мохирхон Мўминова, туман молия бўлими бошлиғи Ойбек Зайнобиддинов ва бошқалар сўзга чиқишди.

Давра суҳбатидан ижтимоий нафақалар тайинлашда ошқораликни кучайтириш, янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг мониторинги, дастур ижросида жамоатчилик назоратини кучайтириш, маҳалла институтининг нуфузини ошириш, фуқаролар йиғинлари раисларини, маслаҳатчиларни ва котибларининг малака ошириш тизимини ташкил этиш, маҳалла фуқаролар йиғинига услубий ёрдамни тақомиллаштириш, бу борада семинарлар ташкил этиш, ўзаро тахриба амалашини кенг йўлга қўйиш каби қатор масалалар бўйича фикр алмашилди, ҳаётий тақлифлар ўртага ташланди.

Таъкидландики, маҳалланинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини оширишда электорат вакиллари ва партия фаоллари ҳамкорлигини кучайтириш зарур.

Бөхрөд ШУКУРОВ

Партияларо баҳс

БАНДЛИК

бу нафақат ЎзХДП, балки бошқа сиёсий партияларга ҳам дахлдор масаладир

Кейинги пайтларда партия матбуотида ўзаро баҳс-мунозара, соғлом рақобат руҳидаги мақолаларга кенг ўрин берилмаётгани кўпчилик эътиборини тортмоқда. Бу — мамлакатимизда демократик ислохотлар, фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар тобора чуқурлашиб бораётгани, бу жараёнда сиёсий партиялар иштироки, уларнинг жамият ҳаётини тутган ўрни ва мавқеи ошаётганидан дарак беради.

Газеталар орқали партиялараро сиёсий кураш кучайиб бораётгани ўз навбатида, одамларнинг сиёсий-ҳуқуқий билими юксалишига хизмат қилади. Ва бу жараёнда партияларо баҳс маданиятига ҳам талаб ошиб бораверади. Шу кунларда бу масалада газетхонлар билдираётган турли фикрлар ҳам буни тасдиқлайди.

Газетхон соғлом ва амалий рақобат тамойилларига асосланган, ҳолис фикр ва мулоҳаза, аниқ далилларга таянган материалларни кутди. Бироқ сиёсий партия газеталарида шу йўналишда эълон қилинётган мақолаларнинг ҳаммаси ҳам бу талабга жавоб бермаслигини очик тан олишимиз керак.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар манфаатини ифода этувчи ЎзЛиДеП нашрининг 2012 йил 8 март сонинда чоп этилган «Сайловчи ишончини ким суиистеъмом қилапти?» мақоласини ҳам бунга мисол қилиб келтириш мумкин. Унда «Иқтисодиётда банд бўлмаган аҳоли, хусусан, ёшларни иш билан таъминлашга кўмаклашиш асосий вазифамиз, — дея бонг ураётган Халқ демократик партиясининг фаол аъзолари таъкид қилишди.

Дарҳақиқат, бу борадаги ишимизни ҳамма жойда ҳам ижобий баҳолаб бўлмайди. Жумладан, ёшларни доимий меҳнатга жалб қилиш борасидаги қарорлар ижросини таъминлашда самарали жамоатчилик ва де-

лар ўз фаолиятсизлигини хаспўшлаш учун атайлаб шундай йўл тутгандир?! Агар ўтган йили ЎзЛиДеПдан сайланган депутатлар сессияларга ўз электорати манфаатини ифода этувчи ҳеч қандай тақлиф киритмагани ёки бирор арзирли ташаббус билан чиқмаганини ўйлайдиган бўлсак, фикримиз янада ойдинлашади.

Аҳвол шундай экан, либераллар деб тумандаги ўз депутатлари фаолиятини кўпроқ танқид қилса, тўғри бўлмасми. ХДПни қолга қолдириб қўлади, ёшлар тақдирига, уларнинг иш билан банд бўлишига берақ қараётганликда айбланган бу партия «Ўзимиз айна шу масалада нима иш қилдик?», деб ўйлаб кўрганмикан?

Аслида, иқтисодиётда банд бўлмаган аҳоли, хусусан, ёшларни иш билан таъминлашга кўмаклашиш нафақат ХДП, балки мамлакатимиздаги сиёсий партияларнинг барчасига дахлдор масала. Бу борада айнан либераллар ўз зиммасига катта вазифаларни олган.

Ёки ЎзЛиДеПнинг Сайловолди дастуридаги «партия учун янги иш ўринларини яратиш, ишсизликка қарши курашиш, авваломбор, ёшларни иш билан таъминлаш ниҳоятда зарур ва кечиктириб бўлмайдиган вазифадир», деган сўзлар сохта обрў ортириш учун айтилганми? — Очиги, депутатларининг мизининг аксарияти партиямиз томонидан ўтказилаётган тадбирларда қатнашмайди, айримларида ҳатто иш режаси ҳам йўқ, — дей-

ди ЎзЛиДеП туман кенгаши раиси ўринбосари Шопўлат Ўсаров. — Сайловчилар билан учрашув тўғрисида гапирмасам ҳам бўлади. Масалан, «Чимкўрғон» кишлоқ фуқаролар йиғини раиси, депутатимиз Нурмат Рисбековга бу ҳақда бир неча бор айтиб кўрдик, эслатдик, ҳатто оғохлантирдик. Аммо натижа бўлмапти...

Бу гапларни изоҳлашга ҳолат бўлмас керак. ЎзЛиДеП дастурида яна шундай ваъдалар берилган эди: «Партиянинг яна бир устувор вазифаси — ёшларнинг ижтимоий фаолиятини ошириш, улар учун касбий, ижодий ва мансаб пиллапоярларидан ўзини учини имкониятлар яратишдан иборат. Ёшлар салоҳиятини ривожлантириш — бу келажакка сармоа қилиш, демократия. Партия ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятига қизиқишини кучайтириш, уларга ўз бизнесини ташкил этиш учун иқтисодий ва ҳуқуқий шароитлар яратиш ниҳоятда...» Бу каби баландларга ваъдалар ижроси қандай бўлапти? Зафаробод тумани мисолида қарайдиган бўлсак, бунга ижобий баҳо бериш қийин.

Демак, «XXI аср» газетасида босилган «Сайловчи ишончини ким суиистеъмом қилапти?» деган мақоладаги саволга аниқ жавоб бериш лозим. Ёшлар бандлиги нафақат ижтимоий ҳимоя, айна чорда у иқтисодий, маънавий масалаларга ҳам боғлиқ. Мамлакатимиз тараққиётининг эртанги босқичи жамиятдаги барқарорлик асосларидан бири бўлгани учун ҳам ёшлар бандлиги масаласи барча сиёсий партиялар учун долзарб вазифа ҳисобланади.

Ҳолмурод ЕРЕЖЕПОВ, ЎзХДП Зафаробод туман кенгаши раиси, туман Кенгаши депутати.

Табият ва биз

Эр қимирлаши — зилзила тўғрисидаги хабарнинг ўзгариши одамларнинг кўрқувга солади. Зилзиланинг қачон содир бўлиши олдидан билсак, хавфсизлик чораларини кўриш ва қанчадан-қанча инсон ҳаётини сақлаб қолиш мумкин. Аммо...

Маълумотларга кўра, ҳар йили ер юзиде 500 мингга яқин зилзила содир бўлади. Шунинг тахминан 100 мингга яқин жиддий вайроннагарчилик келтириб чиқаради. Қолганлари унча хавф тўғдирмайди. Жанубий Калифорниянинг ўзиде ҳар йили 10 минг марта ер қимирлайди. Уларнинг аксарияти хавф тўғдирмайди.

Геологик нуқтаи назардан, Тинч океани атрофида ер қимирлаш хавфи жуда кучли. Бу жойлар Шимол ва Жанубий Америка, Япония, Хитой ва Россия ҳудудига тўғри келади. Ва бу ерларда кучли зилзила юз бериши кузатилади. Бир мисол. Утган йили 11 март кунини Японияда 9 балли зилзила содир бўлди. Натижада океанда тўлқиннинг баландлиги 30 метр бўлган цунами юз берди. Уз баътида бу фалокат «Фукусима-1» атом электр станцияси реакториде портлашларга олиб келди. Мутахассислар «Кунчиқар мамлакатда содир бўлган энг кучли ер қимирлаш» деб таърифлаган мазкур фожиа оқибада 16 мингдан ортқ киши қурбон бўлди, 3 мингга яқин одам беда-рак йўқолди. Одамзоод бундай офат олдиде ожив эканини бутун баърият чукор хис этди.

Албатта, олимлар турли йўллари билан зилзила қачон ва қандай содир бўлишини аниқлашга уриниш курамоқда, муттасил изланмоқда.

Ҳўш, бу борада мамлакатимиз сейсмологлари қандай ишлар қилмоқда?

ЎзРФА Ф.А.Мавлонов номиде Сейсмология институти лаборатория мудири, физика ва математика фанлари доктори, профессор Турдиали ОРТИҚОВ билан суҳбатимиз шў ҳақда.

— Аввало, зилзилани келиб чиқиши сабаблари шундайки, бирикнидан, ер остида кимевий ва физиквий мураккаб жараёнлар давомиде температуранинг ўзгариши жинсларнинг ўрин алмашуви характерини юзага келтиради. Шў билан бирга, ерининг ўз ўқи ва кўбш атрофидеги характерни унга таъсир кураатади. Иккинчидан, ер ядросида термомядро жараёнлари тўхтовсиз бўлиб туради. Бундай характерлар турли қатламларда турлича бўлади ва ер қобийгиде тулғама характер вужудга келади. Бунинг оқибада зилзилалар содир бўлади. Демак, зилзилани келтириб чиқарувчи асосий кушлар ерининг чукор қатламларида жойлашгандир.

— Энди зилзила тарихига тўхталсангиз...

— Зилзила табиий офатлар ичиде инсониятни энг кўп ташвишга соладиган ҳодисалардан бири. Шўнинг учун ҳам зилзила қандай содир бўлади, у қабқдан келиб чиқадиде, деган масала қадимдан олимларни ўйлантириб келадиде. Грек мутафаккирлари Демокрит, Аристотел ва бошқалар ўз асарларида ер қимирлаши қандай юзи беришини тушунтиришга характер қилган. Улуғ мутафаккир Абу Али Ибн Сино «Китоб аш-шифо» асарида ерининг турли ҳудудларида зилзиланинг силкиниси кучи ва қайтарилиш даври турлича бўлишини қайд этган.

Тарихчи Муҳаммад Қорэхўжа ўғли ҳам бу масалага тўхталган. У «Тошкентнинг янги тарихи» китобиде 1868 йил 3 апрелда Қиронга рўй берган 8 баллик кучли зилзила ҳақиде энг маълумот берган. Унинг ёзишича, ер шў қадар ларазга қулганки, кўлаб иморатлар келатиб, тўшиб,

ЗИЛЗИЛА

у қандай содир бўлади? Уни олдиндан аниқлаш мумкинми?



50 киши бевакт ҳаётдан кўз юмган. Қудуқлардан сув қочган, ер ёрилган ва унда олов чакнаган. Ҳатто кунни кеча куриб битказилган Туркистон генерал-губернатори қароргоҳи ҳам унга дош бера олмаган, жуда пишиқ ва мустаҳкам бўлишига қарамай, унинг деворлари ёрилиб кетган.

Ғўзал пойтахтимиз Тошкент шаҳри Тиёшон тоғи этагиде жойлашган, шў боис бу ҳудудда кучли ер силкиниси содир бўлиб туради. Шў билан бирга, сейсмик фаол жойларда 8-9 балли зилзилалар рўй бериши табиий ҳисобланади.

1886 йилнинг 29 ноябрида ҳам кучли зилзила бўлиб, яна шаҳар жиддий зарар кўрган. Бу гал ҳам қудуқлардан сув қочган ва ер ёрилиб кетган. Ушбу зилзиланинг магнитудаси 6,7 ва ер силкиниси 8 баллдан ортқ билан.

1966 йилнинг 26 апрелида содир бўлган кучли зилзила, унинг фавуқуллода зарбаси ва аянчли оқибаблари ҳамон унутилган эмас. Ҳўшда зилзила зарбидан, ҳаттоки, соат миллари 5.22 дақиқада тош қўтиб қолган ва айни шў ҳолат зилзилага оид қўлдан-қўл суратларда ўз ифодасини топган.

Энг ёмониде, зилзилалар зулуksиз давом этган, 1966 йилнинг 26 апрелидан 1969 йилнинг декабрига қадар Тошкент шаҳри остида 1102 марта ер силкинган. Энг кучли зарбалар шаҳар марказида, ҳозир «Жасорат» ёдгорлик мажмуи қад кўтариб турган ҳудудда содир бўлган. Шў муносабат билан илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Тошкент шаҳри ҳудуди 8 ва 9 баллик сейсмик ҳудудларга ажратилган. Шў боис, марказда баланд иншоотлар қурилиши ушбу талабга риоя қилинган ҳолда олиб борилмоқда.

Зилзиланинг таъсир кучини тупроқ шароитларига бодглик эканини ифодалайдиган Тошкент шаҳрининг сейсмик микрорайонлаштириш харитаси яратилган.

— Сейсмик районлаштириш нимага асосланади?

— Сейсмик районлаштириш зилзилашуносликнинг асосий йўналиши бўлиб, маълум вақт ичиде бу ҳудудда рўй бериши мумкин бўлган зилзилаларнинг таъсир кучини ифодалайди. Шўндан келиб чиқиб, бу ҳудудда ҳар қандай қурилишда ер сатҳи қандай куч билан тебраниши ҳисоб-олинида. Яъни, иншоот ва бинолар лойиҳалаштирилганда ва реконструкция қилинганда зилзилабардошлигига эътибор қара-

тилади.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Мустақиллик майдониде барпо этилганда, бу ҳудудда жойлашган ўн тўққиз қаватли иншоот шў талабдан келиб чиқиб, тубдан қайта тавмирландики, бу ҳам фикримизга бир мисол бўла олади. Таниқли меъмор Азамат Тўхтаевнинг айтишича, майдонни қайта қуриш бўйича лойиҳалар муҳокамасида Президент Исро Каримов бу иншоот айни зилзила ўчоғиде қурилганини, меъморчилик, муҳандислик ва хавфсизлик нуқтаи назаридан номақбул эканини қайта-қайта таъкидлаиди ва иншоотнинг ўша хавфи тепа қисми олиб ташланади. Чунки, табиат билан ҳазиллашиб бўлмастлигини ҳаётнинг ўзи кўп исботлаган. Биз учун энг муҳими, инсоннинг тинч ва беҳавотир яшашидир.

Ўтган йили мамлакатимиз ва унинг сарҳадларига тўташ ҳудудда магнитудаси 2,7 дан юқори бўлган 148 та зилзила қайд этилган. Шўнинг 19 таси сезиларли даражада кечган. Ана шундай зилзилалардан бири 2011 йил 20 июлда рўй берди. Пойтахтда 5 баллга тенг ер қимирлаш содир бўлди. Зилзила маркази Қирғизистоннинг Конн шаҳрида бўлиб, у водийдан 27 километр жанубдиде. Бу жараёнда сейсмик хавф ҳисобга олинган ҳолда қурилган иншоотларга ҳеч қандай зарар етмади. Чунки бу зилзила сейсмик районлаштириш харитасида кўрсатилган 9 баллик ҳудудда содир бўлган эди.

— Кейинги йилларда дунёнинг турли бурчакларида кучли зилзилалар рўй бергани ҳақиде нима дейсиз?

— БМТ маълумотларига кўра, сиз айтмоқчи бўлган зилзилалар сўнгги ўн йилда содир бўлган табиий офатлар орасида ўзининг салбий оқибаблари кўлами билан асосий ўринда туради. Масалан, Гаитида бундан икки йил олдин 12 январь кунни рихтер шкаласи бўйича магнитудаси 7 га тенг ҳамда 9-10 баллик зилзила рўй берди. Шўнинг оқиба-

тида 220 минг киши қурбон бўлди. 300 минг нафар одам жароҳат олди, 1,1 миллион аҳоли уй-жойсиз қолди. Икки йил давомиде шаҳардаги вайронларнинг бир қисми тозаланди, холос. Яна бу ишнинг 40 фоизи БМТ кўмағиде амалга оширилди, атиги 10 фоизини аҳоли қила олди. Қарангки, 500 мингдан ортқ киши ҳанузгача капаларда яшамоқда. Мамлакат ҳукумати зилзила оқибабларини бартараф этишга ожив экани ҳақиде расман баёнот бериб, инсонпарварлик ёрдами сўради. Энг қизиғи, мана шў ҳодиса содир бўлиши арафасида «Аргументы и факты» газетасида сейсмологлар кучли зилзилаларни олдиндан айтиши мумкинлигини даъво қилиб турган эди. Ҳаёт шўни кўрсатдики, табиий офатни олдиндан айтишга инсон ҳозирча оживлик қилмоқда.

Шў боис, сейсмология соҳасидаги илмий-тадқиқот ишларини кенгайтириш, соҳага илм-фаннинг кучли мутахассисларини жалб қилиш, олимлар ва амалиётчиларнинг халқаро мақсадли ҳамкорлигини йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Сейсмология институтида сейсмик хавфни баҳолашнинг янги мукамал замонавий технологияси яратилди ва унинг асосида республика ҳудуди учун янги типдаги умумий сейсмик районлаштириш хариталари ишлаб чиқилди. Ва у «Давлатархиви-текурилиши» қўмитаси томонидан тасдиқланиб, амалиётга жорий қилинди. Бу эса мамлакатимизда бунёд этилаётган иншоотлар зилзилабардош бўлишига, аҳоли хавфсизлиги таъминлишига замин яратмоқда. Айни вақтда, зилзила, унинг табиати ва келиб чиқиши ўрганилишига, прогноздолаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бир ҳақиқатни тан олиш керак, ер қачон, қай вақтда ва неча балл кучда қимирлайди, бунинг олдиндан айтиш қийин. Олимлар шў кунгача бу масалани ҳал қила олган йўқ. Тўғри, уни аниқлаш учун хоржилик мутахассислар турли йўллари билан кўп ишлар қилмоқда. Аммо бу борадаги «башорат» ва «кашфиёт»ларнинг ҳеч бири ҳозирча амалиётда ўзини оқлаган эмас.

Институтида олимлари ҳам бу муаммо устида илмий тадқиқотлар олиб бормоқда. Сўнги йилларда бир қанча кучли ва сезиларли зилзилалар содир бўлди. Ҳар бир зилзила уни олдиндан аниқлаш усулини намоилантиришда ўзига хос таърибга вазирасини ўтказиб, десак, хато бўлмайдиди.

Олдиндан айтилган зилзилалар ичиде башоратнинг ҳақиқати қачон келиши 1984 йил Поп зилзиласиде бўлган. Бу ерда 18 февраль кунни 7-8 баллга тенг зилзила рўй берди. Лекин унинг аломатлари анча олдин — 1983 йилнинг кузидан бошлаб намоил бўла бошлаган. 1984 йил январь ойининг ўрталаридан бошлаб ўша атрофда кучсиз ер қимирлашлар сони ниҳоятда кўпайган. Шў боис, ўша жойга институтида экспедицияси етиб борди. Зилзилалар ҳар кунни бир неча бор, баъзи кунлар ўнлаб марта содир бўлиши

кузатилди. 15-16 февраль кунлари кучсиз зилзилалар сони ниҳоятда кўпайиб, ҳатто кунига 100 дан ортқ кетди. Ниҳоят, маълумотлар асосида жараён ўзгарилиб, аҳолига кучли ер қимирлаши ҳақиде хабар берилди ва 18 февраль кунни эрталаб 7-8 балли зилзила бўлиб ўтди. Бундан одамларга ҳеч қандай талафот етмади. Чунки аҳоли оғоҳлантирилган ва улар бинолардан ташқарида истиқомат қилишган эди.

Бир сўз билан айтганда, ҳозирги вақтда институтида зилзилаларни олдиндан айтиш хизматининг дастлабки асослари бор, деб айтиш мумкин. Республикаимизнинг 11 та вилоятида 13 та мажмуа зилзила даракчиларини аниқлаш учун зулуksиз иш олиб борди. Шўнингдек, маълумотларни тезкор олиш, марказга узатиш ва аломатларини излаш ишлари электрон ҳисоблаш машиналарида таҳлил қилинади.

Зилзилалар юз берган фавуқуллода вазиятларда аҳоли хавфсизлигини таъминлаш учун қандай чора-тадбирлар қилилади?

Ушбу савол билан Фавуқуллода вазиятлар вазирилугига мурожаат қилдик. Вазирилук матбуот хизмати маълумотиға кўра, 2011 йил 19 июлда Вазирилук Мақамаси қарори билан «Аҳолини зилзилалар оқибабатида юзага келадиган (табиий ва техноген) вазиятларда характер қилишга тайёрлаш комплекс дастури» тасдиқланган. Унга мувофиқ, таълим муассасаларининг ўқувчилари ва талабаларини фавуқуллода вазиятларда тўғри харакатланишга тайёрлаш, қишлоқ ва маҳалла фўқаролар йиғинлари жойларда зилзилалар юз берадиган фавуқуллода вазиятларда қўтқарув ишларини ташкил этиш ва зилзилалар рўй бериш хавфи юзага келганда аҳоли қандай характер қилиши лозимлиги ўргатилмоқда, амалии машгулотлар ўтказилмоқда. Шўнингдек, ўска метражили илмий-оммабол фильмлар ҳамда видеороликлар яратиш, ОАВда махсус рўкнлар, радиоэшиттириш ва телекусутовлар ташкил этиш каби вазирилук ҳам адо этилмоқда.

Бундан ташқари, фавуқуллода вазиятларни мониторинг қилиш ва башоратлаш, Ўзбекистон ва унга чегарадош ҳудудларда кузатилаётган сейсмик ҳолатларнинг таҳлили асосида зилзилаларнинг муддатли прогнозолари тайёрлаш ҳамда тегишли тадбирларни амалга оширишда Сейсмология институти билан ҳамкорлик қилинмоқда. Бу чора-тадбирлардан кўзланган асосий мақсад — табиий офатдан аҳолиимизни ишончли ҳимоя қилишдир.

Тоштемир ҳудойқулов эъиб олди.




Хориж

70 ФОИЗ АМФИБИЯ

йўқ бўлиш хавфи остида

Инсониятнинг табиатга антропоген таъсири кўп салбий ҳолатлар юзага келишига сабаб бўлаётгани бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас. Хусусан, иқлим ўзгаришлари ҳам айнан одамзоднинг табиатга таъсири натижасидир. Бу иқлим ўзгаришлари эса Европадаги амфибияларнинг қарийб 70 фоизи йўқ бўлиб кетиш хавфини юзага келтирмоқда. Британиялик олимлар бу ҳолат 2050 йилгача қузатилиши мумкинлигини алоҳида таъкидлапти.



Оммавий ахборот воситалари тарқатган хабарларда қайд этилишича, ҳам сувда, ҳам қуруқликда яшай оладиган бу жониворларда замбуруғ касаллиги аниқланган. Мазкур касаллик туфайли Коста-Рика ҳудудларида учрайдиган бир неча турда-

ги бақалар бутунлай қирилиб кетган.

Яна бир гап. АҚШ мутахассислари дунё океанлари оламнинг 40 фоиздан зиёди айнан инсон таъсири оқибабатида зарар кўрганлини таъкидламоқда.

Кейинги тадқиқотлар натижаси шўни тасдиқладики, дунё океанининг атиги 4 фоизгина ўзининг табиий муҳитини асл ҳолига сақлаб қолган холос.

Маълумотларга қараганда, Шимолий Атлантика, Тинч океанининг фарбий қисми, Қариб, Ўртаер, Жанубий ва Шарқий Хитой, Қизил ва Беринг денгизлариға ҳамда Форс қўрғазига катта зиён етган.

АСЛ НУСХАМИ ЁКИ СОХТА?

энди бу осон аниқланади

Барчамиз яхши биламизки, бугунги кунда ноёб суратларни ҳудди асл нусхасидеқ қилиб чиқувчи расомлар қўлайган. Бу эса асл нусха билан ясамани фарқлашга муаммо тўғдирмоқда.

Айнан шў каби муаммоларнинг олдини олиш учун италиялик олимлар янги усул яратдилар.

Бу усул шундан иборатки, муаллим ўзи чиқган сурат тағига умуман ўчириб бўлмайдиган ноёб кимевий ёзув қолдиради.

Мутахассисларнинг гаплариға қараганда, турли кимевий моддалар аранлашмасидан тайёрланган «ўчмас ёзув»ни яратиш учун бир неча йиллик вақт сарфланган. Мазкур усул



расомларга ўз асарларини сохташтираувчилардан ҳимоя қилишга қўл келадиде ва санъатшунослар орасида учрайдиган муаммо ечимини ҳал қилиш имконини беради.

ЭРКАКЛАРГА ҚАРАГАНДА

аёллар кўп

«Росстат» маълумотларига қараганда, бугунги кунда Россияда эркекларга нисбатан аёллар сони 10,8 миллион нафарга кўп.



Шўни алоҳида таъкидлаш жоизки, ёшлар орасида фарқ аксича, яъни, 10 ёшгача бўлган минг нафар болага 953 нафар қиз тўғри келади. 20 ёшгача бўлган ўсмирлар орасида эса фарқ анча камайган — минг нафар ўсмир болага 963 нафар қиз. 30 ёшгача бўлганлар орасида рақам ўзгаради — минг эркекка 1007 нафар аёл тўғри келади.

Ҳўш, демография қўр-

сатки нега бундай тус олмақда, деган савол ҳамманинг дилидан ўтаётган бўлиши мумкин. Москва давлат унверситетининг оила социологияси ва демографияси кафедраси илмий ходими Ольга Лебеднинг айтишича, бунинг сабаби, эркеклар орасида алколизм, гиёҳвандлик ва автоҳалокатлар натижасида ўлим юз бериши даражасининг юқорилигидир. Шў ўринда ўзга давлатларда аёллар ва эркеклар сони ўртасидаги фарқ қандай экан, деган саволга жаоб сифатида «Мир новостей» газетасида босилган статистик маълумот баён этсак:

Россияда — эркеклар 39 фоиз, аёллар 61 фоиз;
Кувейтда — эркеклар 58 фоиз, аёллар 42 фоиз;
Маракашда — эркеклар 50 фоиз, аёллар 50 фоиз;
Норвегия ва Исландияда — эркеклар 58 фоиз, аёллар 42 фоиз.

XXI аср — интеллектуал бойлик асри

ЧИДАМ, СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИК

Мамлакатимизда фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ҳамкорлиги мустаҳкамлашга, инновацион технологияларни 2008 йили этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

2008 йили 15 июлда қабул қилинган «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишнинг рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарорға мувофиқ ҳар йили ўтказиб келинаётган «Инновацион гўялар, технологиялар ва лойиҳалар Республика йармаркасининг навбатдагисиде шў йил 3-5 май кунлари бўлиб ўтади.

Бугунги кунга келиб, дунёда машинасозлик санюати жадал сурьатлар билан ривожланмоқда, шў билан бирга, Ўзбекистонда ҳам. Айни пайтда даврининг ўзи бу соҳа вакиллари олдиға мустаҳкам, фойдаланишга қулай, нисбатан арзон бўлган материалларни излаб топипш ва уларнинг чидамлиги ва сифат-

лилик даражасини янада ошириш устида жиддий изланишлар олиб бориш вазирасини қўймоқда.

— Ҳозирги кунда конструкторлар, технологлар ва олимлар қишлоқ хўжалиғи учун агротехниканинг барча талабларини қондирадиган самарадор ва юқори даражада ишлайдиган машиналар ва уларнинг ишчи қисмлари ҳамда механизмларини яратиш устида изланиш олиб бормоқда, — дейди Тошкент давлат техника унверситети материалшунослик ва материаллар технологияси кафедраси доцент, техника фанлари номзоди Баходир Тилабов. — Қишлоқ хўжалиғи масуми вақтида ерга ишлов бериш кечиктириб бўлмайдиган иш ҳисобланади. Бу, айникса, пахтачиликда яққол


кўзга ташланади. Тошкент давлат техника унверситети материалшунослик ва материаллар технологияси кафедраси янги инновацион технологиялар асосида қишлоқ хўжалиғида фойдаланиладиган ҳамда ерга ишлов беришчи машиналарнинг тез едирилиб ишдан чиқадиган деталларининг юза иш қисми чидамли, қаттиқ қотишмали қатламлар билан қоплашининг янғича усулини яратди. Ушбу ишланмани Республика инновацион йармаркасида намойиш қилиш режалаштирилган.

Юқорида номи келтирилган янги технология қуйидаги усулда яратилди: юза ишчи қисми чидамли қаттиқ қотишмалар билан қопланган пеномодделлар (буюмлар шакли) махсус қўлғаларға жойлаштирилади ва кварц кумлари билан зичланади. Тайёр бўлган махсус қопилар ҷех

ицидаги айланма конвейерға қўйиб чиқилади ва идишларға 1600°C хароратда эритилган суюқ металл (пўлат 35ГЛ) қуйилади. Металл қуйиш жараёнида пеномодделлар исски харорат таъсирида газга айланиб кетадиде ва уларнинг бўшлиқ ўрни металлға тўлади. Бу жараёнда пеномодделларға қопланган қопламалар ҳосил қилинаётган деталнинг юза қисмиға 0,5 мм дан 5,0 мм гача сингади.

Олдинги мавжуд эски технология бўйича деталлар қуймакорлик усулида болгаланувчи чўяндан олинган. Бу деталлар анча юмшоқ ва ишлов муддати бир мавсумдан ошмайди. Таклиф этилаётган янги технологиянинг афзаллиғи шундан иборатки, аввал деталларнинг пеномодели олинади, кейин эса шў пеномодели юза қисми ёйлишга чидамли қаттиқ қотишмали қопламалар билан қопланади. Қаттиқ

қотишмали қопламаларға оз миқдорда кремний, сормайт, карбид бор ва титан аралашмалари қўшилади. Ҳар бир қаттиқ қотишмани ўзига яраша бажарадиган вазибалари бор, масалан, биринчиси жараённи тезлаштириш, иккинчиси қаттиқликни ошириш, қолганлари эса ёйлишга чидамлиликни ва ишлов муддатининг узок бўлишини таъминлайди.



Синовлар натижасида термик ишланган деталларнинг ёйлиши жуда ҳам қамайдиде, яъни чидамлиги 3-4 баробаргача ошди. Тракторларнинг дала шароитидаги синовви 50 гектардан 150 гектарға етди.

Янги инновацион технология машиналар ёки ускуналар деталларининг агротехникавий кўрсаткичларини ва иш умумдорлигини бир неча баробарға ошириш имкониятини беради.

Ҳозирги кунда янги технология «Мелиостроймаш» очик турдаги акционерлик жамиятида жорий қилинган ва юқори иқтисодий самарадорликка эришилган. Корхонанинг бир йиллик даромади 50-70 млн. сўмини таш-

кили қилади. Композицион материалларни яратиш ҳозир жуда камёб бўлган ва чет давлатлардан келтирилайдиган пўлатларнинг ёки чўяларни ва улардан ясаладиган деталларни тежаш имконини беради.

Бугунги кунда бу янги технологияни жорий қилиш бўйича Тошкент давлат техника унверситети ва «Ўзметкомбинат» очик акционерлик жамияти ўртасида хўжалик шартномаси тузилган ва бу борада докторлик диссертацияси бўйича илмий-тадқиқот

ишлари олиб борилмоқда. Мазкур янги технология машинасозлик ва металлургия корхоналарида жорий этилса, ишлаб чиқариладиган қишлоқ хўжалик техникаларининг деталлардан ташқари, халқ истеъмол молларини ҳам ишлаб чиқариш мумкин бўлади. Бу эса корхонанинг иш умумдорлигини ва йиллик даромадини бир неча баробарға ошириб, янги иш ўринлари очилишиға замин яратди.

Шўҳрат ИСЛОМОВ

**Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
Халқ шоири**

«РАНГЛАР ВА ОҲАНГЛАР» ТУРКУМИДАН

ҲАҚИҚАТ

Чақалоқлар ажойибдир, она кўксининг бирин эмиб, иккинчисин чангаллаб турар. Худди уни биров тортиб оладигандай.

Эшигинга келади гоҳ бозорчи бола, Айт-чи, дейсан, қатининга сув қўшилганми? Жавоб қилар: — Бизлар сувга қатиқ қўшамиз.

Болалиқнинг қилиқлари нақадар маъсум, Очик-ойдин мактовлари, алдовлари ҳам. Ёқтирсан дер: — Сизни ёмон яхши кўраман.

Чақалоқлар улғаяди, бола ҳам ўсар, Қарабсизки, қаршингизда бир авлод бунёд. Қонлариде аждодларнинг феъли бор аммо.

Амударё томонларда, Эллиққалъада Фоят дилкаш, кўнгли очик бир дўстим яшар. Танти, ростгўй бобосига тортган эмиш у.

Гоҳи одам бошқаролмас ўз ҳаракатин, Ҳар қадаму, ҳар ишидан чекар хижолат. Демак, нининг томирда оқари ҳадиқ.

Менга бир пайт хорижликлар савол берганди: — Фарқи недур Чингиз билан Амир Темурнинг? Мен дегандим: Бирин бузган, бирини курган.

То ўлгунча инсон феъли қолипга тушмас, Ўқтин-ўқтин турфалигин билдириб тургай. Бироқ уни йўлга солар ақлу тажриба.

Йўл четида пахса урар кимдир тер тўкиб, Унга «Хорма» дейишни-ку билмабсан, энди Деводини қийшиқ дея бўҳтон ҳам қилма.

Регистонни кураётдиб, қандайдир кимса Бу юмушдан бир товоқ ош афзалдир демши. Билмайдики, уни шу чоқ нафси алдаган.

Ҳаваскор бир назмгўйнинг дostonин ўқиб, Дабдурустандан уни янги «Шоҳнома» демоқ Муаззам шеър майдонида ёлғондир қабиҳ.

Фоят комил инсонларнинг давраларида Мен ҳам ўтган йўлларимни эсламан бот-бот. Афсус, афсус, алданибман, кўп алданибман.

Биз-ку оддий бандалармиз, тақдир тўлкини Бир лаҳзада ювиб кетар кум заррасидай. Яна пайдо бўлурмизми соҳилда? Қайдам.

Бироқ улуг бир ҳақиқат хушёр торттирар: Тарихни халқни алдаш энг мудҳиш гуноҳ! Ҳатто дўзах интиқоми юпанч беролмас.

Мен-чи бугун бошим кўқда, айта оламан: Енгиб қанча алдовларни, камситувларни Ўз ҳаққига, ўз эркига эришди халқим.

24. 03. 2012 йил.

БАТАН

Эсламан, ёз пайти кўчиб чиқардик Чайла-капа тикиб полиз бошига. Пайкални кўридик бизлар — болалар.

Тарс-тарс ёрилди тонг чоги қовун. Тулқию игнаси хурпайиб кетган Жайранинг «Ҳай-ҳай»дан қочишин кўринг.

Бир сафар қирғовул туҳумин йиғиб Курк товуқ остига бостириб қўйдик, Лекин қочиб кетди ҳаттири бўлди.

Бўри оралади дейишди бир кун, Қишлоқ йиғитлари отлик қиқишиб, Уни калтак билан уриб олишган.

Ўша йиллар турар ҳамон ёдимда Намхуш похол хиди, яллиз ифори Ҳануз кетмагандир димоқларимдан.

Дунёда қасрлар бўлган албатта, Бироқ ўша қапа, ўша чайламиз Бизга Ватан бўлмай, хўш, нима эди?!

Зилзила юз берди Тошкентда сўнгрок, Ногаҳон титради улкан бир шаҳар. Қашқар маҳалласи тамом тўкилди.

Гурзи еган каби беҳуш одамлар Тимирскилар эди вайронларни. Ўша харобалар Ватан эди-ку!

Чегарада турган ўспирин соқчи Туллар эл оромин кўриқлайман дер. Ўша Ватан бўлмай нимадир, айтинг?

Қатагон курбони Ализодадинг Хокин Самарқандда дағи эдиллар, Ахир шу эмасми Ватан дегани.

Ватан ҳисси танҳо, муқаддас, абад. Ўзбек овоз берди дунёвий баҳсада, Ватанга мансубдир ўша овоз ҳам.

Худо кўрсатмасин ўзга ҳолатни: Буюк бир қошоно бунёд этсанг-у, Унда яшайдиган одам бўлмас.

Ватани севмоқлик не эканлигин Мерос қалиб кетган бизга аждодлар, Улуғ қаҳрамонлар, соҳибқиронлар.

Бизга насиб этди тенгсиз саодат. Дориламон давр, қасри олийлар Муносиб бўлмоқчи ўсишар энди.

Ватан деб аталган сирли муҳаббат Полиз чекқасида мунғайиб турган Ўша чайлаларда тугилган асли.

02.04.2012 йил.

Фаройиб ҳодиса

Дунё тасодифларга бой, мўъжизалар маконидир. Гоҳида ақл бовар қилмас воқеалар, ғайритабиий ҳодисалар кишини лол қолдиради. Она-табиатда кузатиладиган чакмоқлар ҳам шунга бир мисол.

«БЕШҚУЛОҚ»ҚА ЧАҚМОҚ ТУШДИ

Денов туманидаги «Паст қизилжар» маҳалласида табиатнинг ноёб ҳодисаси кузатилди. Кенчурунги майин шабаддадан кейин ёмғир томчилай бошлади.

— Туни билан шаррос ёмғир ёғди, — дейди «Паст қизилжар» маҳалласида истиқомат қилувчи Усмон Норқулов. — Эрталаб кўёш заррин нурларини соча бошлаганда кўчага чиқдим. «Бешқулоқ» ариги атрофида одам гавжум эди. Маълум бўлишича, тунда рўй берган чакмоқ юқори кулланишли симёғочга урилибди. Натижада унинг тепа қисми 1-1,5 метрлар чамаси куйиб, қорайиб қолган...

— Одатда, чакмоқлар баҳор ва куз ойларида содир бўлади, — дейди физика фани ўқитувчиси Абдураҳмон Мардонов. — Шундай пайтда электр билан ишлайдиган ускуналардан эҳтиёт бўлиб фойдаланиш лозим. Айниқса, ишчи ва ялтироқ жисмлардан узоқда бўлган афзал. Чакмоқ одамларга ҳам кўпга зиён етказгани кўпчиликлари маълум. Шу боис, чакмоқ бўлаётган пайтда икмон қадар очик жойда бўлмасликка ҳаракат қилиш лозим.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

Реклама

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

курулиши режалаштирилган қуйидаги объектларни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пугратчи ташкилотларни танааш бўйича

ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Объект номи ва манзили	Бошланғич нархи ҚҚС билан (сўм)	Бошланғич нархи ҚҚСсиз (сўм)	Қурилиш муддати
1	Қўшработ туманида пенсия жамғармаси бўлими биноси қурилиши	302 250 247 сўм	251 875 206 сўм	5 ой
2	Ургут туманида пенсия жамғармаси бўлими биноси қурилиши	692 027 798 сўм	576 689 831 сўм	5 ой

Қурилиш ишлари Давлат бюджетли маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва урулиши кўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг маркази.

Буюртмачи: — Самарқанд вилояти ҳокимлиги инжинириг компанияси
Манзили: Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, 1-уй, телефон: (8366) 235-82-86.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат харидлари тизимини мақбуллаштириш ва уларга кичик бизнес субъектларини жалб этишни кенгайтириш тўғрисида»ги қарорига асосан Қўшработ туманида пенсия жамғармаси бўлими биноси қурили-

ши объекти бўйича пудрат ташкилотини танааш фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида амалга оширилади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қўйилган маъразада 20 фоизи миқдоридидаги айланма маблағнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришига банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектка ўхшаш ишоотларда ишланганлик тажрибасига, кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала, ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов тақлифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қўнун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўйилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов тақлифлари қатнашчиларининг танлов тақлифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўронома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий

консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича муносабат қилиш мумкин: Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус-2Д, 403-хона.
Тел: 231-13-51, факс: 233-32-00.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 80 000 сўм. Тақлифлар(оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги муддати — оферталар очилиш кунини соатига.

Тақлифлар(оферталар) очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, Самарқанд вилоят ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида, соат 10.00 да ўтказилади.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши маъмурияти ва қасаба уюшма қўмитаси партия Марказий Кенгаши аппарати ходими Тўрабек Усмонова падари бузурқоври
ТУРГУН отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 80 000 сўм.

Тақлифлар(оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги муддати — оферталар очилиш кунини соатига.

Тақлифлар(оферталар) очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, Самарқанд вилоят ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида, соат 10.00 да ўтказилади.

Спорт



Суратда: (оқ кийимда) Мирзохид Фармонов (Ўзбекистон).

ЛОНДОНГА ЙЎЛ ТОШКЕНТДАН БОШЛАНАДИ

Кеча пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуиди дзюдо бўйича навбатдаги Осиё чемпионати бошланди. Бу мусобақанинг аввалгиларидан фарқи шундаки, унда спортчилар шу йил август ойида Лондонда бўладиган ХХХ ёзги Олимпия уйинлари йўлланмалари учун якуний рейтинг очколарини кўлга киритиш учун курашади. Мurosасиз ва шиддатли ўтаётган баҳсларда қитъамизнинг йигирма олти давлатидан жами 185 нафар дзюдочи гиламга чиқмоқда.

Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси аёллар ва эркеклар ўртасида кенадиган беллашуларда тўлиқ таркиб билан иштирок этмоқда. Жумладан, аёллар жамоасида Нодира Гулова (48 кг), Римма Бердигулова (52 кг), Дилдора Убайдуллаева (57 кг), Наргиза Ҳамдамова (63 кг), Гулноза Матниёзова (70 кг), Ирода Матмуротова (78 кг), Елена Могилина (+78 кг) Ватанимиз шарафини ҳимоя қилаётган бўлса, эркеклар ўртасида мураббийлар Улуғбек Азизов (60 кг), Мирзохид Фармонов (66 кг), Наврўз Жўрақобилев (73 кг), Яҳё Имомов (81 кг), Дилшод Чориев (90 кг), Рамзиддин Саидов (100 кг) ҳамда Одилжон Тулендибоев (+100 кг)га ишонч билдиришган.

— Агар мамлакатимиз бош жамоаси таркибига назар ташласангиз, етакчи спортчиларимиз — жаҳон чемпиони Риход Собиров (60 кг) ҳамда Абдулла Тангриев (+100 кг)ни учратмайсиз, — дейди терма жамоа бош мураббийи Андрей Штурбаш. — Чунки улар Лондон олимпиадаси йўлланмаси учун етар-

ли рейтинг очкосини аллақачон жамғариб бўлишган. Шу боис, уларнинг ўрнига ёш ва умидли спортчиларимиз Улуғбек Азизов билан Одилжон Тулендибоевни киритдик ва ёшларга имкон яратиб бердик. Тошкент гиламларида қитъамизнинг энг кучли ва тажрибали дзюдочилар билан тажрибали дзюдочиларимиз ушун ўзига хос маҳорат мактаби вази фасини ўташи шубҳасиз. Аммо муҳлислар юқорида тилга олинган номдор дзюдочиларимиз маҳоратидан Тошкентда барибир баҳраманд бўлишади. Биз мутахассислар билан кенгашиб, Риход Собиров ҳамда Абдулла Тангриевлар хизматидан 29 апрель кунни ўтказиладиган жамоавий беллашуларда фойдаланишга қарор қилганмиз.

Эътиборлиси, беллашуларни бир қатор фахрий меҳмонлар қаторида Халқаро дзюдо федерацияси президенти Мариус Визер, Осиё дзюдо уюшмаси президенти Убайд ал-Энзи ҳам кўзатиб бормоқда.

— Бугун Ўзбекистон спортчилари

эришаётган натижалар бутунжаҳон дзюдо оламида алоҳида эътироф этилмоқда, — деди Халқаро дзюдо федерацияси президенти Мариус Визер. — Йилдан йилга тараққий этиб бораётган юртингизда жисмоний тарбия ва спортга ҳукумат даражасида эътибор қаратилётгани ўзбекистонлик дзюдочиларнинг халқаро майдондаги ютуқларига мустаҳкам замин яратмоқда. Ҳозир дунёнинг энг кучли дзюдочиси ва мураббийи айнан Ўзбекистондан экани ҳам сўзимнинг тасдиғидир. Шу билан бирга, юртингиз ҳар қандай нуфузли мусобақани юксак савидада ташкил этиш борасида катта тажрибага эга. Мен бундан алоҳида таъкидлашни истардим. Чунки Осиё чемпионати арасида Тошкентда бўлиб, 27 апрель кунни Олимпия уйинларига якуний рейтинг очколарини берувчи Европа чемпионатининг очилиш маросимига етиб боришни режалаштирганмиз. Бироқ сўнгги лаҳзаларда бу қароримни ўзгартирдим, Осиё чемпионати беллашуларини беvosита кузатиладиган бўлдим. Бунга халқингизнинг очикқўнгилли, меҳмондўстлиги, энг муҳими, ниҳоятда спортсеварлиги сабаб бўлди, десам, муволажа қилмайман. Лондон олимпиадаси ниҳоятга етган, Гран-при туркумидаги йирик мусобақалардан бирига мебоҳонлик ҳам Ўзбекистонга ишончи топширишни режалаштириб турибмиз.

Эркин **ХОЛБОБОВ**,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

MUASSIS:

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**



O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

TANHIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV

Ulug'bek MUSTAFOYEV
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinosari)
G'affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinosari)

Muhlihdin MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

BO'LIMLAR:

Parlament faoliyati — 233-10-13; Pariya hayoti — 233-11-49; Madoniyat va ma'naviyat — 233-69-45; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55; Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56; Sport va vatandorlarlik — 233-44-55; Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kотиbiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

*Sharq nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxonada manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 446
17357
nuxxada
bosildi.
t — Tjorat materiallari
O'z'a yakuni — 21.40
Topshirilgan vaqti — 00.00

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi:

Elmurod EGAMQULOV

Sahifalovchi-dasturchilar:
**Sobirjon TUNG'ATOV,
Zafar BAKIROV**

ISSN 2010-7633



1 2 3 4 5